741094

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1994 йил 5 октябрь, чоршанба — Баҳоси сотувда эркин нархда. 46 (6634)

Ғамхўрлик юксак масъулият юклайди

ЯНГИ АСР ФУҚАРОЛАРИ

Ўлкамизда олтин куз кезмоқда. Ҳар ёнда пишиқчилик. Бу ёлғиз табиат саховати эмас, албатта. Ишкомлардаги қиёмдек узумлару, полизлардаги ранго-ранг қовун-тарвузлар, эгатлардаги оппоқ очилган пахта ҳосилида захматкаш деҳқонларимиз меҳнати мужассам.

Кузга хос тўкинлик сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Барча соҳаларда бошланган ижобий ишлар самарали якунланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг XVI сессияси, Президентимиз Ислом Каримовнинг ана шу анжуманда қилган маърузасида мустақилликдан буён ўтган уч йил давомида қўлга киритилган тарихий ютуқларимиз сарҳисоб қилинди, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

— Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир, — деди президентимиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз халқлари эндиликда тарихга айланиб бораётган XX асрни мутеълик ва мустамлака исканжасида кутиб олган бўлсалар, уфқдаги қуёшдек бўй кўрсатаётган XXI асрга қарамлик кишанларидан халос бўлиб, озод ва ҳур пешвоз чиқмоқдалар.

Янги аср фуқаролари бугун мактаб бағрида таълим-тарбия олмоқдалар. Миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол, фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, вояга етказишга давлатимиз раҳбарияти истиқлолдан кўзда тутилган бош вазифа сифатида қарамоқда.

Мустақиллик биринчи галда мактабга нисбатан янгича муносабатни шакллантирди. Биз узоқ йиллар таълим-тарбия фақат давлат иши-ю педагоглар вазифаси деган бир ёқлама ақида билан яшаб келдик. Тўғри, ҳеч бир давлат мактабни ташлаб қўйган эмас. Лекин истиқлол боис, ривожланган мамлакатлар иш тажрибаларини ўрганиш туфайли шундай фикрга келиндики, таълим-тарбия умумжамият ишига айлангандагина юксак самаралар бериши мумкин.

Президентимиз ўз маърузасида таълим-тарбияда ўзаро ана шундай яқин ҳамкорликка эришишини алоҳида таъкидлади: "Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла — мактаб — оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, аҳлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларини аямасликлари керак".

Бу ўзаро ҳамкорлик ҳаракатида, шубҳасиз, ўқитувчи бош шахс, таълим ислоҳоти тақдирида ҳал қилувчи кучдир.

Жумҳуриятимизда Халқ таълими ходимлари кунининг кенг нишонланиши ўқитувчилар фарзандларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаётган, уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтираётган инсонлар сифатида эъзозу эҳтиромга сазовор бўлиб келаётганликларини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жамият турмушида ёш авлодни тарбиялашда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тутган ўрнига алоҳида аҳамият бериб, Халқ таълими ходимлари куни муносабати билан бир йўла уч муҳим ҳужжатга имзо чекди. Бу ҳужжатлар таъбир жоиз бўлса, таълим тарихидаги энг ёрқин саҳифалардир.

Президентимизнинг "Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига биноан, Вазирлар маҳкамаси "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Фармон ва қарорга биноан, 1994 йил 1 октябридан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича малака даражасини ошириш ҳамда қўшимча ҳақ ва устамалар ҳисобидан ўртача 20 фоиз оширилди. Шу билан бирга халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган 138 ходим орден ва медаллар, фахрий унвонлар билан тақдирланди.

Шубҳасиз, бу катта ғамхўрлик замирида қадим юртимиз, шонли аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялашдек шарафли вазифани ўз зиммасига олган муаллимларимиз меҳнатига чуқур ишонч ва юксак масъулият мужассам.

Галдаги вазифа — истиқлолимиз дадил оёққа тураётган тарихий даврда чинакам фидойилик, ижодкорлик кўрсатиб ишлаш, илғор педагогик иш усулларидан янада кенгроқ фойдаланиб, фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Суратда: Тошкент шаҳар Сиргали туманидаги 32-мактаб педагоглари ҳукуматимизнинг ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги ҳужжатлари билан таннишмоқдалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

МУНОСИБ УЛУШ

Таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, давр талабларига мослаштириш, айниқса, ёшларни касб-корга ўргатишга ҳозирда катта эътибор берилмоқда. Бозор иқтисодиётининг қийинчиликлари, етишмовчиликларига қарамай, давлатимиз халқ таълими, хунар-техника соҳалари учун бюджетдан кўплаб маблағ ажратмоқда. Булар ёшлар иқболи, келажаги буюк давлат равнақи учун қилинаётган беқиёс ғамхўрликлар жумласидандир.

Истиқлолнинг уч йиллик тўйи нишонланган йилда ўқув

Ўқув-хўжалик далаларида

хўжалигимиз ходимлари талабалар билан биргаликда анча ютуқларга эришдилар. Ёш пахтакорларимизнинг унумли меҳнатлари, ғайрат шижоатлари боис белгиланган режа туманда биринчи бўлиб уддаланди. 20 гектар майдондан 50 тоннадан ортиқ "оқ олтин" йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга сотилди.

Ғалабани қўлга киритишда ишлаб чиқариш усталаридан Саъдулло Хўжаниёзов, Норқул Пирнапасов, Ориф Бобоев, ишчилардан Баҳриддин Рўзимаматов, Жасур Авлиёқулов, Байрам Дурдиев, ўқувчилардан Шариф Раҳмонов, Ҳилола Бозорова, Юлдуз Чориева, Амина Раҳмонова, теримчилардан Шарофат Қўчқорова, Зайтуна Кўмакова, Фазолат Рўзиева, Феруза Шариповаларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Далаларимизда ҳали ҳосил кўп. Мақсадимиз пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бирор толасини ҳам нобуд қилмай саранжомлаб олишдир. Ялпи ҳосил салмоғини 70 тоннага, ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун ҳаракат қиламиз.

Б. ИТОЛМАСОВ,
Олот туманидаги 4-ҳунар-техника билим юрти директори,
О. МАТТИЕВ,
билим юрти ўқув хўжалиги мудири.

БУРЧЛИМИЗ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги фармонини ўқитувчининг заҳматли меҳнатига кўрсатилган катта эътибор деб билдик. Халқ таълими ходимлари куни муносабати билан бир неча ҳамкасбларимизнинг мамлакатимизнинг юксак мукофот ва унвонлари билан тақдирланиши эса республикамизда маориф аҳли нечоғли эъзозда эканлигидан далолатдир.

Президентимизнинг мамлакатимиз маорифчиларига табрикномасидаги "Сизнинг зиммангизда дунё илм-фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, тафаккур зиёси билан башариятга нурли йўл кўрсатган улуғ аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу вазифа турибди", — деган сўзлар бизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Ўз билимимиз, идрокимиз билан мустақиллигимиз барқарорлигига, пойдорлигига ўз ҳиссамизни қўшиш барчамизнинг бурчимиздир.

Насиба ЙЎЛДОШЕВА,
Янгиер шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ФИДОЙИЛИККА ДАЪВАТ

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисидаги фармон биз, ўқитувчилар учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Биз ғамхўрликка жавобан ёш авлодни билимли, ишбилармон, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар қилиб вояга етказиш учун бутун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Мен педагоглар оиласида дунёга келганман. Келин бўлиб тушган хонадоним аъзолари ҳам математиклардан иборат ўқитувчилар сулоласи. Қайнотам Аъзам Зоҳидов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, қайнонам Эътиборхон Орипова 37 йил илм масканида ёшларни тарбиялаб, ҳозирда нафақа нашидасини суришмоқда. Мўътабархон Зоҳидова пойтахтдаги 114-мактабда физикадан сабоқ бераётир. Эркин Зоҳидов — Ўзбекистон Фанлар Академиясининг иссиқлик физикаси бўлимининг етакчи илмий ходими, физика фанлари номзоди, турмуш ўртоғим Акром Зоҳидов Тошкент тижорат (аввалги савдо) техникумининг 1 тоифали ўқитувчиси.

Биз ўқитувчилар сулоласини бундан буён ҳам давом эттиришга астойдил ҳаракат қиламиз.

Озода ЗОҲИДОВА,
Чилонзор туманидаги Аброр Ҳидоятов номидаги 173-мактаб ўқитувчиси.

ҚАДРИНГНИ БИЛСА, ҚИРҚ ЙИЛ ЭГИЛ

Мустақилликни мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг келажагини яратишда мактабнинг, унда меҳнат қилаётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг фидойилиги муҳим аҳамият касб этади. Буни яхши англаган республикамиз раҳбарияти таълим-тарбия ишининг бош ижрочиларига катта эътибор бериб келмоқда.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президентининг Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Фармонни бажариш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарор ва иловалари билан танишиб чиқаркансиз, мактаб ўқитувчиларининг кўпгина фаолиятларига қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилганлигидан қувонасиз. Синф раҳбарлиги, ўқувчилар ёзма ишларини текшириш, фан кабинетлари, устахоналар ва ўқувчилар билан олиб бориладиган бошқа ишларга раҳбарлик қилиш каби фаолиятга қўшимча ҳақ тўлаш ўқитувчи меҳнатини моддий қадрлашдир.

Мен она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатида ўзим дарс берадиган синфларда олинган ёзма ишларни текширишга кўп вақт сарфлайман. Эндиликда ана шу меҳнатимга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ оламан.

Менинг касбдошларим ҳам ҳукуматимизнинг бу муҳим тадбиридан беҳад миннатдор бўлишмоқда. Чунки бу ўқитувчининг ижодий ва самарали ишлаши учун, турмуш тарзининг яхшиланиши учун катта рағбатлардан биридир.

Туманимиз ўқитувчи ва тарбиячиларига туман ҳокимияти ҳам моддий кўмак бериб, маънавий рағбатлантириб бораётир. Буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия иши фидойиларини самарали ишлашга, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бекаму кўст бажаришга чорлаётир. Қадрингни билса, қирқ йил эгил, дейди доно халқимиз!

Гадой МЕЙЛИЕВ,
Жомбой туманидаги 8-таянч мактабининг 1 тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

Очиқ мулоқот

ГАЗЕТХОНГА БЕШ САВОЛ

Азиз ва муҳтарам педагоглар, тарбиячилар, халқ таълими тизимининг заҳматкаш фидойилари! Сиз газетамиз бош мухбирлари — обуначилари сифатида унинг мунтазам чиқишининг таянчи, мазмун мундарижасини белгилашда бош маслаҳатчи бўлиб келдингиз ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишга ишонамиз. Йил давомида саҳифаларимизда ёритилган муҳим мавзуларнинг аксарияти сизларнинг таклифларингиз асосида юзага чиқарилди. Айни кунларда таҳририятимиз "Маърифат"нинг келгуси йил режаларини ишлаб чиқмоқда. Шу боис унинг мундарижаси оммабоп бўлишини таъминлашга таклиф ва мулоҳазаларингиз билан кўмаклашасиз деган умидда сизларга саволлар билан мурожаат қиляпмиз.

1. Газетамизга обуна бўлганмисиз, уни мунтазам ўқиб борасизми?

2. "Маърифат"да ёритилган қандай материаллар сизга маъқул бўлди, келгуси йилда газетада кўпроқ қандай мавзуларда материаллар ўқишни истайсиз?

3. Газетамизда ёритилган расмий материаллар — раҳбарлик идораларининг таълим-тарбияга оид муҳим ҳужжатлари ва уларнинг тафсилотлари, ўқув режалари, дастурлари, тавсиялар, концепциялар ва бошқалар фаолиятингизда қандай ёрдам берди?.

4 Саҳифаларимизда халқ таълими тизимидаги қандай янгиликлар, мактаб педагогларининг қандай илғор тажрибалари тўғрисида батафсил ёритилган материалларни ўқишни истайсиз?

5. "Маърифат" мундарижасини янада бойитиш, унинг материаллари таъсирчанлигини ошириш, газета саҳифаларини ўқувчига кўринишли қилиб чиқариш юзасидан танқид, таклиф ва истакларингиз?

Жавобларингизни ушбу манзилгоҳга юборсангиз миннатдор бўламиз.

700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, "МАЪРИФАТ" ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда. "Маърифат"нинг обуна баҳоси:

БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН
ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН
УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

ҲАММАМИЗ ЁЗИЛДИК

Маорифимиз ривожини "Маърифат"сиз тасаввур қилиш қийин. Ўтган йиллар мобайнида газета муаллимларга маслаҳатгўй, дарддош ва елкадош бўлиб келди. Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг биз, муштарийлар — ўқитувчиларнинг кўнглидаги гапларни, муаммоларни ёрита бошлади.

Кейинги пайтларда газетанинг ҳар бир сони қизиқарли, ўқишли чиқаяпти. "Қутлуғ остона", "Янгилаш даври, янгиланиш даври", "Мададталаб мактублар", "Меросимизни ўрганамиз" рукнлари остида берилаётган, шунингдек ўқитувчилар учун ёрдам сифатида эълон қилинаётган мақолалар дарсликлар ва қўлланмалар етишмаётган ушбу дамда айни муддаодир.

48 кишилик мактабимиз жамоаси бу йил ҳам севимли газетамизга юз фоиз обуна бўлишди. Умид қиламанки, "Маърифат" мунаввар нурлари кўнглимизни йил бўйи чароғон этади.

Биноқул ҲАЙИТОВ,
Нарпай туманидаги 43-ўрта мактаб директори.

Халқ таълими ва ҳокимият

МАКТАБ РАВНАҚИ — ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

Тилло МЕНГЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатимиз ёш фуқароларини ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашдан иборат. Юртбошимиз Республика Олий Кенгашининг XVI сессиясидаги сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: **"Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла — мактаб — оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларини аямасликлари керак.**

... Шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамма имкониятларни сафарбар этиб, жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб қуради деб ишонаман!". Бу вазифа бизни мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдек ишимизда янада жадал ишлашга, ёш авлодга ғамхўрликни муттасил кучайтиришга даъват этади.

Туманимиз ҳокимияти келажагимиз таянчи бўлган мактабга ғамхўрлик қилишдек муҳим ва кенг кўламли вазифани адо этишга кўндан бери катта эътибор билан қараб келмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги бир қатор ишларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Аввало, кейинги икки йил мобайнида туман ҳокимиятининг бевосита раҳбарлигида билим масканларини қуриш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишлари авж олдирилди. Натижада 6-, 14-, 17-, 19-, 49-, 4-, 68-мактаблар учун қўшимча бинолар, 61-мактаб учун замонавий янги бино қуриб ишга туширилди. Айни пайтда 10-, 34-, 25-мактаблар учун янги бинолар барпо этилмоқда. Тумандаги 9 та мактабда ЭҲМ ишлаб турибди, 650 та замонавий фан кабинети, 12 турдаги техника воситалари ўқувчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳокимиятимиз туман халқ таълими бўлими ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, кўплаб оммавий тадбирларни ўтказишга бош-қош бўляпти. Жумладан, ўтган ўқув йилида ўтказилган "1994 йил ўқитувчиси" кўрик-танловида 22 нафар ўқитувчи иштирок этди. Ғ. Ғулом номидаги 36-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Қундуз Холматова танловда ғолиб бўлди. Унга ва қолган иштирокчиларга ҳокимликнинг пул мукофотлари берилди. Бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаган кўргазмали қуроллар ҳам муаллим ижодкорлигининг ўзига хос намойиши бўлди. Бу ўринда А. Набиев номидаги 48-мактаб ўқитувчиси Клара Норбекова туманда I, вилоят кўригида эса II ўринни эгаллади ва республика танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Умуман, мактабларимизда ижодкор ўқитувчилар кўп. Уларнинг ижод соҳалари ҳам хилма-хил: адабиёт, санъат, илмий-педагогик тадқиқот, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Чоршанба Бойбўсинов 64-мактабда, Ҳамид Бадалов 25-мактабда, шоира Холбиби Эргашева 10-мактабда, Хурсанд Алмардонов 4-мактабда, Эгам Дўст ёш табиатшунослар масканида ишлашади. Жомий номидаги 41-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Абдусалом Норбоев сурхондарёлик халқ ижодкорлари устида тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Кейинги йилларда туманда таълимга муносабат ўзгарди. Биз ўғил-қизларнинг билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш билан чегараланиб қолмасдан, айни пайтда таълим соҳасида ҳам янгиланишлар қилмоқдамиз. 1993—94 ўқув йилида 24 мактабда 10 та фан чуқур ўрганилган бўлса, 24-мактабда физика, 27-мактабда математика йўналишида лицей синфлар очилди.

Ҳукуматимизнинг иқтидорли ва қобилиятли ўғил-қизларга алоҳида эътибор бериш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорини изчил амалга ошириш учун талайгина ишлар қилинмоқда. Иқтидорли болаларни аниқлаш, улар билан турли хил дастур бўйича иш олиб бориш, ихтисослашган синфлар ташкил этиш ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Мактабларда ўқувчилар билимини тест асосида синаш ҳам кенг оммалашяпти. Ўтган ўқув йилида фан олимпиадалари тўлиқ тест асосида, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларининг айримлари тест усулини қўлланиб ўтказилди.

Ҳокимиятимиз ўзининг йиғилишларида асосий диққат-эътиборни халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, унинг раҳбар ходимларини танлаш ва тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келяпти.

Мактаб жамоалари қалби пок, виждонли, тадбиркор, маънан бой педагог = тарбиячилардан таркиб топган ва уларга ташкилотчи, ташаббускор, педагогика соҳасини яхши биладиган, кўпчилик ўртасида обрўли раҳбар етакчилик қилса, бу жамоалар муваффақияти узлуксиз бўлади. Шу боис биз мактабларга директор тайинлашда туман халқ таълими бўлими, педагогик жамоа, ота-оналар фикрини ўрганиб, сўнгра жамоаларга бошлиқ тайинлаяпмиз.

Ўз ишини пухта билган, бозор иқтисоди муносабатларини тушуниб етган кўпгина мактаб раҳбарларимиз билим масканининг ўз маблағи бўлиши йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб боришмоқда. Бу йил 24-мактаб 100 миллион сўм-купон, 41-мактаб 30 миллион сўм-купон, 6-мактаб 27 миллион сўм-купон миқдорида ўз тажриба майдонларидан соф фойда олдилар.

Биз яқинда туман ҳокимининг фармойишини қабул қилдик. Унга кўра жамоа хўжаликлари бошқаруви раислари ўз ҳудудларидаги мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларга бош директор этиб тайинландилар. Хўжалик бошлиқлари зиммасига халқ таълими муассасаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантириш, мактаб учун ер майдони ажратиш каби вазифалар юклатилди. Ҳозирданоқ бу тадбиримиз дастлабки натижаларни беряпти. Охунбобоев номли (раиси Ўзбекистон халқ ноиби О. Бобомуродов), "Ғалаба" (раиси Д. Алиқулов), С. Отабоев номли (раиси М. Каримов), "Москва" (раиси Асад Хўжаев) жамоа хўжаликлари ўз ҳудудларидаги мактабларга 1 гектардан бу ғдойдан бўшаган ерларни ажратиб бердилар.

Мактабдан ташқари муассасалар, болалар боғчалари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари ҳам ҳокимиятимиз диққат марказида турибди. Ёш табиатшунослар, ёш техниклар ижодкорлик масканлари, ўқувчилар уйи, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 61 та болалар боғчаларига жами 7500 нафар бола жалб этилган. Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда айрим хўжалик раҳбарлари иқтисодий аҳволни рўкач қилиб, боғчаларни ёпиш тараддудига тушиб қолдилар. Биз бунга йўл қўймадик. Ҳокимлик ижтимоий муассасалар фаолиятини ўз назоратига олди.

Умуман, халқ таълимини равнақ топтиришга йўналтирилган долзарб ишларимиз хилма хил ва кўлами кенг. Улардан яна бири Ўзбекистон Республикасининг "Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувини жорий этиш тўғрисида"ги Қонуни бўйича ҳокимиятимиз май ойида ишлаб чиққан тадбирларни амалга оширишдир. Август ойида бошланғич таълим ўқитувчилари учун махсус курслар ташкил этилган бўлса, айни пайтда бошқа муаллимлар ҳам ўқитилиб, уларга лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўргатилмоқда. Янги алифбо бўйича ота-оналар ҳам пухта саводли бўлиши керак. Биз 1994—95 йиллар давомида корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳам янги ўзбек алифбоси ва ёзувини ўргатишни амалга оширамиз.

Шубҳа йўқки, туманимиз халқ таълими ходимлари ёш авлодга таълим-тарбия беришда, уларни мустақил давлатимизнинг баркамол фарзандлари қилиб тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

Олий нишон соҳиблари

МЕҲНАТ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Халқ таълими ходимлари куни -муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра ҳукумат орден ва медаллари, фахрий унвонлар билан мукофотланганлар орасида Пайариқ туманидаги 16-мактабнинг новатор ўқитувчиси Узоқбой Мислибоев ҳам бор. Муҳбиримиз мукофот соҳибини чин дилдан қутлаб, унинг дил сўзларини қоғозга туширириб келди:

— Аввало, халқимизнинг "Етти ўлчаб, бир кес" деган нақлига амал қилмоқ кераклигини таъкидламоқчиман. Мен биология ўқитувчиси сифатида ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстиришга, машғулотларни кўргазмали ва жонли ўтказишга алоҳида эътибор бераман. Эскича сийқаси чиққан дарс ўтиш усулидан воз кечгандагина мақсадга эришиш мумкин.

Ўқитувчи ўз устида ишламай қўйса, малакасини оширмаса, маънан ўсишдан тўхтайди. Ижодий ишлаш, меҳнатдан завқланиш одамга куч-қувват бағишлайди. Малака ошириш курсларида, семинарларда ҳамкасблар билан учрашувлар, ижодий баҳс-мунозаралар касб маҳоратимни оширишга туртки бўлмоқда.

Бунинг устига меҳнатларим муносиб тақдирланаётганидан беҳад хурсандман. Ўқитувчилар орасидан биринчилар қатори "Дўстлик" ордени билан мукофотланганимни қай сўз билан ифодалашни билмайман. Бу мукофот Ўзбекистон ҳукуматининг халқ таълимини ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрлигининг ёрқин далилидир. Бундай саховатга мен янада ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаш билан жавоб бераман.

Суҳбатдош Ғ. МАННОПОВ:

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Ҳаётимиздаги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ўзига хос тарзда шакллана бошлаган шу паллаларда инсон тақдирига эътиборнинг янада ошаётганлиги кишини қувонтиради. Республикамиз Президентининг "Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент давлат университети касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси қатнашчилари бу ғамхўрликни алоҳида таъкидлаб, унга жавобан астойдил меҳнат қилажакларини айтишди.

— Ҳукуматимиз томонидан фуқароларимизни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ҳар бир фармон бизга алоҳида масъулият юклайди, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Алишер Мўминов ўз нутқида. — Негаки, университетимиз ўқитувчилари, кўпминг сонли талабаларининг иссиқ-совуғидан хабар олиш вазифаси зиммамизга юкланган. Ўтган беш йил мобайнида уюшмамиз баҳоли қудрат шу ниятда иш олиб борди. Ўқитувчилар ва талабалар яшаш шароитини яхшилашга қаратилган Президентимиз фармонлари юзасидан бир талай чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, 1989 йилда қурилиши бошланган "Математиклар уйи" деб номланган 56 хонадондан иборат бино битказилиб, ўқитувчиларга берилди. Университетимиз 70 йиллиги муносабати билан ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларига мутахассислар етиштириб беришдаги салмоқли ҳиссаси учун 94 ўқитувчига якка тартибда уй қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Шунингдек, ходимларнинг дам олиши ҳамда даволаниши масалалари ҳам аниқ тузилган режа бўйича амалга оширилди.

Конференцияда тафтиш комиссияси олиб борган иш юзасидан ҳисобот тингланди, маърузалар муҳокамаси бўлди. Сўзга чиққанлар университет касаба уюшмасининг беш йиллик фаолиятини қониқарли деб топишди.

Султонмурод ТОШИМОВ.

Мактабни соғинаман

ЙИЛЛАР ЎТАВЕРАДИ...

Ҳар йили ёзги таътил кезлари бир қанча ўқувчи йигит-қизларни саволга тутаман: "Мактабингизни соғиндингизми?..."

Турлича жавоблар олганим табиий, лекин аксари йигит-қизлар саволимни эшитиб очиқдан-очиқ ажабланадилар. Мийғида кулиб қўя қолганлар, ҳиринглаб кулганлар, "Э, кесатяпсизми?" деб энсаси қотганлар ҳам учрайди.

Нега? Наҳотки, саволим ўринсиз бўлса?! Наҳотки, мактабни, муаллимларни, синфдош-сабоқдош дўстларни соғиниш ажабланарли?!

Тўхтанглар, яҳшилар, бир муддат ўйлаб кўрайлик. Мактабга муносабат кейинги йилларда ўзгаргани барчага аён. Бунинг сабаблари кўп. Аммо-лекин ҳар қандай инсон умрининг ажралмас бир қисмини мактабдаги ўқиш йиллари ташкил этади. Ҳаётнинг қандай белгиланиши кўпроқ мактабга боғлиқ. Қолаверса, умримизнинг энг масрур, энг бокира дамлари мактабда кечади.

Уларни севмасак, унутсак, соғинмасак...

Ҳозирги турмушда кузатилаётган айрим қийинчиликлар, уларнинг инсон руҳиятидаги асорати хусусида кўп мулоҳазалар бор. Лекин мен соғинч туйғуси ўтмаслашиб, айримларнинг назарида эса ҳатто бачаналашиб бораётганига жуда-жуда ҳайронман.

Аллоҳ таоло ўз бандаларига ато этган ҳар қандай туйғу ҳамда ижобий майллар пировардида ахлоқан покизаланиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Соғинч ана шундай руҳий-шуурий ҳодисаларидан саналади. Кўз ўнгимизга келтирайлик: қайси болажонимиз мактабга илк сафар боришни орзиқиб кутмайди? Ўқувчилик либосларини кийиб, дарслик ва дафтарларни қўлтиқлаб мактаб сари полапон янглиғ талпинишда озмунча муҳаббат, озмунча эҳтирос борми?!

Йиллар ўтган сайин эса ана шу эҳтирослар пўртанаси совигандан совуйди.

Кузатишимга қараганда, 7-9-синфга қадар ушбу иштиёқ бир мунча пасаяди, 10-11-синфларда эса яна у ёки бу кўринишда тикланади. Битирувчи синф ўқувчилари орасида иноқлик, бир-бирларини авайлаш-ҳурматлаш кучаяди. Чунки айрилиқ, хайрлашув онлари кун сайин, соат сайин яқинлашади. Ҳадемай ҳаёт шамоллари ҳар кимнинг қисмати, залворига қараб турфа томонларга учириб кетади. Шундай кунларда ўқувчилик дамларида бой берилган имкониятлар, йўл қўйилган бепарволиклар, шўхликлар — барча-барчаси сарҳисоб қилина бошлайди. Ана шунда дарслар жонга теккан пайтларни, дарсларга кирмаслик учун турли важлар тўқиб чиқарганингизни, талабчан муаллимлардан ранжиганингизни эслаб энди... ўзингиздан ранжий бошлайсиз. Таътил кезлари мактабни соғинмаганингиздан ажабланасиз.

Соғиниш, болалик онларини эзгулик билан қўмсаш қалбни тозалайди, одамларга бўлган муносабатларни поклайди. Соғинч туйғуси кучли бўлган одамлар разиллик қилолмайдилар, ўзгалар кўнглига озор етказишдан ўзлари озор чекадилар.

Тошкентнинг Қилбелбоғ мавзеида 11-мактаб бор. Менга ҳарф танитган Ирисали ака Мирвалиев, шўхликларим айни авжига чиққан йилларда онамдай меҳрибонлик қилган Мунира опа Зокирова, ўзига хос дарс ўтиш услуби билан ўқувчилар ҳурматини қозонган Маҳкам ака Расулов, қаттиққўлликка чирмалган меҳрини сира аямаган Фаҳриддин ака Нуриддинов, ҳаммамизга севимли Маргарита Борисовна Булатова, Саодат Ёқубова, тиниб-тинчимас Наум Карагодский... Чиғатой дарвоза мевзеидаги 111-мактабда Ҳожиакбар Қурбонов, Зиёвуддин Қурбонов, немис тили ўқитувчимиз Тўлаган ака Пўлатов... эҳ-ҳе-е, мен ва менга ўхшаш ўндаб-юзлаб ўғил-қизнинг тарбияси йўлида жонини жабборга берган ўқитувчиларимизни қандай қилиб унутиш мумкин?! Шу олий ниятда уларнинг ҳар бирлари озмунча асабларини, озмунча куч-қувватларини сарфладиларми?! Уларга бўлган ҳурмат-эътиборни соғинчлар ила изҳор этишимиз, Парвардигордан бу улуғ зотлар шаънига соғинчларга тўла тилаклар сўрашимиз инсонийликнинг энг оддий белгиси эмасми?!

111-мактабда илмий мудирлик вазифасини ўтаган ниҳоятда заҳматқаш Шукур ака Усмонов бўлар эдилар. У кишининг бандаликни адо этганлари ҳақидаги хабарни яқинда собиқ мактабдошлар даврасида эшитиб қолдик. Орамизда раҳматли домлани кўп гапиртирган, асабларини чандон қақшатган "қулоқсиз" ўртоқларимиз ҳам бор эди.

— Э, аттанг, шундай инсон ўтибдилар-а! — деб юборди кимдир.

Бу хитоб замирида даврадагиларнинг ҳурмати ҳам, орзу-армонлари ҳам, соғинчлари ҳам мужассам эди...

Йиллар ўтаверади.. Ҳар сафар ёзги таътил кезлари бир қанча ўқувчи йигит-қизларни саволга тутаман: "Мактабингизни соғиндингизми?..."

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
"Ёш куч" журналининг Бош муҳаррири, ёзувчи.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСТАСИ

Марҳаматхон ўша куни мактабга негадир маъюс ҳолда келди. Лекин чиройли кийиниб олишган, юзларида кулги, қалбларида шодлик уфуриб турган болаларга — ўз ўқувчиларига нигоҳи тушиши биланоқ кўнгли ёришиб кетди.

Шу орада қўнғироқ чалинди. У 1-синфга ўқишга келган жажжиларни етаклаб борар экан, 5-синфга ўтган ўқувчиларига мамнун ҳолда назар ташлаб қўйди...

Бекобод шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги 11-ўрта мактабнинг ўқитувчилар жамоаси Марҳаматхон Охунович фахр билан "Бошланғич таълим устаси," дейишади. Зеро, у 1971 йилдан бери келажагимиз бунёдкорлари — ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда. Саводхонлик бошланғич таълимдан бошланади. М. Охунова зиммасига нақадар масъулиятли, нақадар улуғ ҳамда шарафли вазифа юклатилганини қалбдан англаб иш юритмоқда.

Билим даргоҳида ким билан гаплашманг, Марҳаматхон ҳақида илиқ сўзларни эшитасиз. Бу ҳурмат-эътиборга у фидокорона меҳнати, касбини пухта билиши, ўз устида тинмай ишлаши туфайли эришмоқда.

Янги ўқув йилидан Марҳаматхон ўқитаётган синфда 28 ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Давомат ҳам, ўзлаштириш ҳам аъло. Синфга кирсангиз, дилингиз яйрайди. Кўргазмали ўқув қуроллари, дарсликлар, қўшимча адабиётлар, хуллас, дарсни замон талаби асосида ўтказиш учун ҳамма шарт-шароит бор. Хонадаги озодалик, тартиб кайфиятингизни кўтаради.

— Мустақил давлатимизга муносиб саводхон кишиларни тарбиялаб вояга етказиш мен каби ўқитувчилар зиммасига юклатилганлигини тушунаман, — дейди у. Қолаверса, ўқувчиларимиз Ватанга садоқатли, она-юрт ишига доим тайёр, қийинчиликлардан чўчимайдиган фидойи ўғлонлар бўлиб етишса, бу биз учун ҳам бахт. Шукурким, шунга эришаяпмиз ҳам. Собиқ ўқувчиларим бугун заводда муҳандис, мактабда ўқитувчи, бири олим, яна бири эса машинист. Хуллас, халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида бор улар. Бугун эса уларнинг фарзандларини ҳам ўқитмоқдамиз.

Моҳир педагогнинг иш тажрибаси шаҳардаги барча мактабларда кенг оммалаштирилмоқда. Ўқитиш услуби, тарбия бериш шакли, бой тажрибасини эса ёш муаллималар, бошланғич таълим ўқитувчилари ҳавас билан, қунт билан ўрганишмоқда.

Турсунали УСМОНОВ,
Бекобод металлургия заводининг "Металлург минбари" газетаси муҳаррири.

Суратда: М. Охунова.

СЕНТЯБРДА "АЛИФБЕ" БАЙРАМИ

Қувончдан юзлари порлаган, атласу зарбоф либослари ўзига хўб ярашган жажжи ўғил-қизчалар кимнидир бетоқат кутишади. Байрамона безатилган залга "ҳазрат Навоий бобомиз" салобат билан кириб келдилар-да, хурсандчиликларнинг боисини сўрадилар.

— Бобожон, Сиз ўзингиз беш аср муқаддам орзу қилган ҳаёт, мана, бугун бизнинг мустақил диёримизда бошланди. Юртимизда эркинлик, осойишталик ҳукм сураяпти. Дурдона ғазалларингиз битилган ўзбек тилида энди эмин-эркин гапиряпмиз. Озод ва обод ватанимизда барчамиз тенг ва тотув яшаяпмиз. Ёруғ, кенг синфхоналар билимга чанқоқ ёшларга мунтазир.

Бу ақли расо, хушодоб, лобар қизчалар маликалар эмас, йигитчалар эса ўтмишдаги шаҳзодалар ҳам эмас. Улар пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Огаҳий номидаги 216-мактабнинг 1-гимназия синфи ўқувчиларидир. Хурсанд бўлишмасинми! Ахир, эндигина етти ёшга тўлган 25 нафар ўғил-қиз янги ўқув йилини "Алифбе" ни ўрганиб, бурро тиллари билан ўқиш ҳамда математиканинг тўрт амалини зукколик-ла бажариш билан бошлашди. Уларнинг севимли муаллимаси, республика ва халқаро педагогик ўқишларнинг фаол қатнашчиси, 1 — 4-синфлар математика дарслигининг ҳаммуаллифи Гулнора Адамбекова шодиёнага бош-қош бўлди. Мусиқа ўқитувчиси Дилфуза опалари жўрлигида болажонлар "Мулла Мамажон", "Мактаб бизга ўргатар" қўшиқларини маҳорат билан ижро этишди. "Алифбе" байрами улар учун ҳақиқий билимлар кўригига, истеъдод намойишига айланиб кетди.

— Умумбашарий ва миллий қадриятларимизни ўғил-қизларимиз қалбига жо қилиш, ота-боболаримиз орзу қилган юрт эгаларини камол топтириш таълим-тарбия ишимизнинг асосини ташкил этади, — дейди мактаб директори Муқаддам Ҳасанова. — Инсоний қадрни билиш, ўзлигидан фахр-ифтихор туйғусини туйиш фарзандларимизга сингиб бормоқда. Шу асосда ўқувчиларимизни меҳр-оқибатли, фидойи, ватанпарвар ва меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашга бутун жамоамиз билан ҳаракат қилмоқдамиз.

Болалик аталмиш сеҳрли оламнинг унутилмас китобига муҳрланиб қоладиган бу байрам тантанасида "Ғунча" журналининг бош муҳаррири Яйра Саъдуллаева, "Алифбе" дарслигининг муаллифи, педагоголима Қумри Абдуллаева, бошланғич синфлар математика дарслиги муаллифи Н. Бекбоева, тадқиқотчи ёш олим Х. Эгамов, гимназия синфида савод чиқарган ўғил-қизларнинг ота-оналари ҳам фарзандлари қувончига шерик бўлишди.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

Мулоҳаза

ҲУНАР БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ПСИХОЛОГ КЕРАКМИ?

Кейинги йилларда олий педогогик маълумот бериш жараёнида психология фанини ўргатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки эндиликда бизнинг олдимизда мустақил юртимизга муносиб — ҳақиқий ватанпарвар, фидойи инсонларни тарбиялаб вояга етказишдек ғоят шарафли ва муқаддас вазифа турибди. Бу вазифа бўлажак педагоглар тайёрлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигини яна бир карра исботламоқда. Зеро, эндиликда мактабларга, ҳунар билим юртларига моҳир педагоглар керак. Педагоглик маҳорати эса ўқув-тарбия жараёнини моҳирлик билан бошқариш имкониятини яратади.

Билим юртларида ишлаётганларнинг аксарияти инженер-педагоглар, политехника институтларининг, индустриал-педагогика факультетларининг собиқ талабалари, умумий фанлар ўқитувчилари педагогика институтларини битиришган, ишлаб чиқариш таълими усталари эса индустриал-педагогика техникумларида таълим олишган. Айни чоғда уларнинг психология фани бўйича тайёргарлиги даражаси ҳам турлича. Ўқувчининг шахси эса ягона, унинг муваффақиятли шаклланиши учун бу масалага барча педагоглар бир хилда ёндашишлари керак.

Мураккаб техника билан жиҳозланган ҳозирги замон ишлаб чиқариши ишчи кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишига қатта талаблар қўймоқда. Бугунги кунда юксак савияли, ўз касбининг моҳир устаси бўлган, янги машина ва технологияни тез ўзлаштира оладиган, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан бемалол фойдаланиб, самарали ишлай оладиган ишчилар жуда зарур. Бундан таш ари, ишчининг ҳулқ-атворидаги ахлоқий сифатлар, интизомлилик, меҳнатга ижодий ёндашиш, шахсий масъулиятни ҳис этиш каби сифатлар тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳунар билим юртлари педагоглари асосий психологик қонунларни муштарак ҳолда тушунишлари ҳамда ўқувчи шахсини ўрганиш ва шакллантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу муаммоларни ҳал қилиш борасида республикамиз мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, техникумларда, ҳунар билим юртларида психолог штати очилиши муҳим воқеа бўлди.

Ҳунар билим юртларида психолог хизматини ташкил этишни йўлга қўйиш жараёнида вужудга келадиган асосий муаммолардан бири ўқитувчилар ва психологларнинг ўзаро уйғун муносабатларини ташкил этишдан иборат. Ҳозир айрим педагогларнинг психологик билимлари саёзлиги туфайли пайдо бўлаётган муаммолар ўсмир ва ўспирин йигит-қизларимизнинг ўз ҳаёт йўлларини белгилашларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилмай туриб, мактаб, ҳунар билим юртлари фаолиятларини инсонпарварлаштиришни ва демократиялашни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳар минг киши ҳисобига АҚШдагига нисбатан 375 баробар кам психолог тўғри келади. Мутахассислар етишмаслиги психолог хизматининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабабларидан биридир.

Тадқиқотларнинг дастлабки натижаларига қараганда, республикамиздаги психолог хизмати йўлга қўйилган ҳунар билим юртларида халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш иши яхши бормоқда. Бу мутахассислар ишлаб чиқаришга тезроқ мослашиб, ўз касбкорлари сирларини нисбатан пухта ўзлаштирмоқдалар, камдан-кам ҳоллардагина иш жойлари ва вазифаларини ўзгартирмоқдалар.

Амалий психолог психодиагностик усуллар кўмагида талабанинг билим доирасининг ривожланганлик даражасини, унинг яқин орадаги ривожланиш имкониятларини, ўқув ишидаги муваффақиятсизликлари сабабини аниқлаш, шунингдек, ёшлар феъл-атвори хусусиятларини, қизиқишини, хатти-ҳаракати мақсадларини ўрганиш орқали ўқувчилар фаолиятини бошқаришда педагогларга ёрдам берадилар. Бинобарин, ўқитувчилар амалий психолог кўмаги орқали айрим тарбияси қийин ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини орттириш, уларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари даражасини билиш, тарбиявий ишлар воситасида ўқувчидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш каби муҳим маълумотларга эга бўладилар. Бу эса таълим-тарбияни намунали йўлга қўйишда, ҳар томонлама етук ёш мутахассисларни вояга етказишда муҳим омил ҳисобланади.

Лайло ҲИДОЯТОВА,
Республика ҳунар-техника билим юртлари ходимлари малакасини ошириш институти "Тарбиявий иш услуби" кафедраси катта ўқитувчиси.

Олий таълим: Ўзбекистон—Туркия

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги ўртасида таълим, мутахассислар алмашиш ва тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида

БИТИМ

Қуйида Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги, ўз мамлакатлари халқлари ўртасидаги муносабатларнинг яқин ва дўстона руҳда эканлигини тасдиқлаб,

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имзоланган икки томонлама ҳужжатларнинг қоидаларига асосланиб,

мутахассислар тайёрлашни ва ўқитиш сифатини янада яхшилашга интилиб,

ҳар иккала мамлакат томонидан ажратиладиган квоталардан оқилона фойдаланиш мақсадида, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-МОДДА

Томонлар таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида эришилган келишувларни амалга ошириш борасидаги ижобий тажрибага асосланиб, таълим, илмий алоқалар ва мутахассислар тайёрлаш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тайёрликларини изҳор этадилар.

Томонлар даставвал саноат, технология, фан ва маданиятнинг энг устивор соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан ғоят манфаатдор эканликларини билдирадилар. Уларнинг сони, ихтисосликлари ва мутахассис тайёрлаш йўналишлари Ўзбекистон ва Туркия таълим вазирликлари томонидан ҳар йили ўзаро келишилган ҳолда белгиланади.

Томонлар 1994-1995 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисод, молия, банк иши, суғуртачилик, маркетинг, менеджер, туризм ва меҳмонхона бошқаруви, ЭҲМ ва радиоэлектроника муҳандислиги ҳамда бошқа зарурий соҳаларда (тўқимачилик, теричилик, озиқ-овқат саноати технологияси, меъморчилик, инглиз тили ва бошқа) олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга келишиб олдилар.

2-МОДДА

Томонлар мунтазам равишда меъёрий-ҳуқуқий, йўриқнома, ўқув-услубий ва режалаш ҳужжатлари билан алмашиб туришга, таълим тизимлари масалалари бўйича уларни тан олинган жаҳон андозалари даражасида яқинлаштириш мақсадида турли шакллардаги қўшма учрашувлар ўтказиб туришга рози бўлдилар.

3-МОДДА

Томонлар ҳар икки давлатнинг амалдаги таълим тизимидаги маълумот ҳамда илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини ўрганиш ва баҳолаш учун маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

4-МОДДА

Томонлар фан, техника ва технологиянинг ҳар иккала мамлакат учун устивор йўналишлари бўйича халқаро андозалар даражасидаги мутахассислар тайёрлашни, уларни ўқитишни Ўзбекистонда — Тошкент шаҳрининг, Туркияда эса Анқара, Истанбул, Измир ва Бурса шаҳарларининг етакчи олий ўқув юртларида амалга оширишга келишиб олдилар.

5-МОДДА

Томонлар 1994-1995 ўқув йилида Ўзбекистондан Туркияга бориб таҳсил оладиган талабаларнинг умумий сони 407, лицей ўқувчиларининг — 23 нафарлигини, Туркиядан Ўзбекистонга келиб ўқийдиган талабаларнинг сони эса 131 нафар эканлигини қайд этдилар.

6-МОДДА

Томонлар олий маълумотлилардан изланишлар олиб бориш мақсадида ўзаро стажер-тадқиқотчилар алмашадилар. Бу соҳада 1994-1995 ўқув йилидан бошлаб Ўзбек тарафи 10 нафар, Турк тарафи 4 нафар стажер — тадқиқотчиларини жўнатадилар. Ўзбек стажер-тадқиқотчиларига Турк тарафи, Турк стажер-тадқиқотчиларига эса Ўзбек тарафи ўз мамлакатларида маъқул кўрилган ҳаражатни тўлашга рози бўладилар. Бу стажер-тадқиқотчилар ўз миллатига мансуб талабаларнинг таълим олишларига ёрдам этадилар ва уларнинг тарбиявий ишлари билан машғул бўладилар. Стажер-тадқиқотчилар талабалар қоладиган ётоқхоналарда жой билан таъминланадилар.

7-МОДДА

Томонлар юборувчи Томоннинг Тошкентдан Истанбулгача ёки Истанбулдан Тошкентгача ва қайтишга сарфланадиган йўл ҳаражатларини ўз зиммасига олишни тасдиқлайдилар. Талабаларнинг мамлакат ичкарисидаги таълим-тарбия ва амалиёт ўтиш билан боғлиқ йўл ҳаражатларини қабул қилувчи Томон ҳисобидан тўлашга ҳаракат қилинади.

Қабул қилувчи Томон:

а) Ҳар қандай тиббий хизматлар бепул амалга оширилади. Ўқиётган мамлакатда соғлигини таъминлаш мумкин бўлмагани ҳақида тиббий муассаса қарор берса, ўз мамлакатига жўнатиш ҳаражатлари тўланади.

б) Ҳар йили ҳар бир талабага китоб харид қилиш учун ёрдам пули ажратади. Турк Томони 1994-1995 ўқув йилида ушбу маблағни ўтган йилга қараганда икки марта орттиради. Ўзбек Томони белгиланган тартибда ўқув китоблари билан таъминлайди.

в) Университет ва ётоқхоналарнинг ку-тубхонаси, спорт заллари, маданий ва истироҳат жойларидан барча талабаларга бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

г) Турк Томони ўзбек олий таълим талабаларига тўланадиган ойлик стипендия миқдорини 1 октябрь — 31 декабрь 1994 йил оралиғида 2.000.000 турк лирасига кўтаришга қарор берди.

Ўзбек Томони турк олий таълим талабаларига мамлакатида маъқул кўрилган шартлардаги миқдорда стипендия беради.

д) Талабалар ҳар йили икки марта (қишлик ва ёзлик) кийимбош билан таъминланадилар.

е) Ўқитувчи ва талабалардан ҳар турли виза, мамлакатга кириш ва шунга ўхшаш тўловлар талаб этилмайди.

Бу битимга кўра ўқитувчи ва талабаларнинг мамлакатларига кетиш ва келишларида тайёра чипталари қолаётган мамлакат пул бирлигида сотилади.

8-МОДДА

Томонлар бир-бирига профессор лавозимидаги олий таълим ўқитувчиларини жўнатадилар. 1994-1995 ўқув йилида Турк Томони 4 (Анқара, Истанбул, Измир ва Бурсадаги университетларига), Ўзбек Томони 1 турк профессорини (Тошкентдаги университетларга) қабул қилади.

Томонлар мазкур ходимларга ўз мамлакатларида ушбу лавозимга белгиланган ойлик маошни тўлайдилар. Ушбу ходимларни турар жой ва иш шароитлари билан таъминлайди.

9-МОДДА

Ҳар икки мамлакат халқларининг маънавий ва ахлоқий урф-одатларига, уларнинг тарихий-маданий тафаккурига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланиб, Томонлар таълим жараёнини сиёсатга боғламасликка, талабаларга бирон-бир кўриниш ёки шаклда сиёсий таъсир ўтказилишига йўл қўймасликка келишиб олдилар.

10-МОДДА

Томонлар ўзбек-турк лицейларининг фаолиятини 1995-1996 ўқув йилларида ажнабий тиллар ва бошқа малакаларни янада ривожлантириш мавзусида келишиб олдилар.

Ўзбекистон Республикасида Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги томонидан очилган лицейлар Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига тегишли қонунларига мувофиқ ҳолда ва бу қонунларга зид бўлмаган ҳолда Туркия Республикасида ишлатилган таълим низоми ва қонунларига асосланиб фаолият кўрсатадилар.

Турк томони, қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

— лицейларни мунтазам ҳолда керакли ўқув мосламалари билан таъминлаш;

— лицейларга кириш ва мавжуд системага кўра ўргатиш учун тестлар ва дастурлар билан таъминлаш;

— етарли даражада ўқитувчиларни юбориш.

Ўзбек томони қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

— Туркия томонидан очиладиган лицейларни вилоятлар марказида бинолар билан таъминлаш;

— ушбу биноларнинг ўқув жараёнига мос бўлиши учун таъминот ва мувофиқлаштириш ишларини тезлатиш;

— ушбу лицейларнинг маъмурият ва ўқитувчиларини бепул турар жойлари билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш;

— Туркиядан ўқув мосламаларини келтиришда Ўзбекистонда божхона ва бошқа ташкилотларнинг солиқларидан озод қилиш ва Ўзбекистонга етказиш ишларида ёрдам бериш.

11-МОДДА

Томонлар ушбу битимда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш фаолиятларини режалаштириш, координация, баҳолаш учун ва пайдо бўладиган янги эҳтиёжларга кўра ушбу соҳада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида 6 кишидан (ҳар томондан 3 киши) иборат доимий комиссияни ташкил киладилар. Ушбу комиссия ҳар 6 ойда йиғилиб, юқорида кўрсатилган ҳамкорликнинг устивор йўналишларини белгилаш ишларини олиб боради.

12-МОДДА

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади, кейинчалик Томонлар Битимнинг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги ниятини унинг амал қилиши муддати тугашидан олти ой аввал ёзма равишда бир-бирини хабардор қилмаса, ўз-ўзидан кейинги беш йилликка узаяди.

Анқара шаҳрида 1994 йил 22 сентябрда икки нусхада ўзбек ва турк тилларида тузилди, ҳар икки матн бир хил кучга эга.

ВАТАННИНГ КАМОЛИ СИЗ БИЛАН

Истиқлол ёшлар учун янги маърифий уфқлар очди. Мактабларда ва олий ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиётган ёшлар хорижий илм даргоҳларида таълим олиши бугун янгилик эмас. Маърифатга чанқоқ иқтидорларни Мирзо Улуғбек, "Соглом авлод учун" жамғармалари махсус стипендиялар билан рағбатлантириб келаётир.

Президентнинг Давлат стипендияларига сазовор бўлаётган ёшлар ҳам оз эмас. Эрта бир кун улар орасидан алломалар, шоиру адиблар, мураббийлар етишиб чиқишига зарра шубҳа йўқ. Зеро, уларнинг томирида ал-Хоразмийлар, Улуғбеклар, ибн Синою Берунийлар қони оқаётир.

Истиқлол шарофати туфайли 1992 йилдан бошлаб мамлакатимиз Туркия билан ўзаро талабалар алмашинувини йўлга қўйди.Бундан кўзда тутилган мақсад томонларнинг манфаатдорлигидан келиб чиқиб саноат ишлаб чиқаруви, технологик жараёнлар, иқтисод, банк иши, суғуртачилик, маркетинг, менежер, менежмент, электрон ҳисоблаш машиналари, радио-электроника муҳандислиги, озиқ-овқат саноати технологияси, меъморчилик ва хорижий тиллар каби катор ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Шундай ихтисосликни эгаллаб келиб, юрт ишига камарбаста бўламан деган ниятда Туркияга отланган фарзандларимиз 37 шаҳардаги 60 ўқув юртининг 83 ётоқхонасига тарқоқ жойлашиб ўқий бошлашди.Албатта, уларнинг қандай таълим олаётгани, турмуши қандай кечаётгани ҳеч биримизни лоқайд қолдирмайди. Шунинг учун ҳам яқинда — сентябрь ойининг 19-27 кунлари ҳукумат комиссияси қардош Туркияда бўлиб, талабаларимиз шароитини изчил ўрганишди ва фойдали тадбирлар белгилаб қайтишди.

Ўтган ўқув йилида талабалар учун биз томонимиздан атиги иккита тарбиячи вакил тайинланган эди, бу йил уларнинг миқдорини ўнтагача етказишга келишиб олинди.

Янги ўқув йилида фарзандларимиз аввалгидек турли жойдаги 37 шаҳарда эмас, балки фақат Анқара, Бурса, Измир ва Истамбулдаги мавжуд 14 университет ҳамда лицейда ўқишларини давом эттиришга қулайлик яратилди, қолаверса, улар ҳар қайси шаҳарда бирга бўлиб, бир ётоқхонада истиқомат қилишади. Уларга бош-қош бўлиш учун ҳар бир шаҳарда биттадан бош вакил тайинланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, талабаларимиз стипендия ва китоб харид қилиш учун бериладиган маблағ миқдори юз фоизга қадар оширилишига муваффақ бўлинди. Ўқув йили мобайнида аввалгидек бир эмас, балки икки марта кийим-бош билан таъмин этилади.Шунингдек, Ўзбекистон талабалари текин тиббий ёрдам, шаҳар транспортидан фойдаланиш каби катор имтиёзларга эга бўлиши ҳақида ҳам келишилди.

Албатта, бу фарзандларимизнинг аҳил-тотув яшашлари ва изчил ўқишларига қулай шароит тугдиради.Табиийки, ўтган ўқув йилида ёмон ўқиган талабалар бундан бенасиб бўлишди.Тагин шундай ихтисосликлар борки, юртимиз олий ўқув юртларида ҳам бу соҳа бўйича комил илм олиш мумкин. Бу каби ихтисосликда таълим олаётган талабалар ўқишни юртимиз олий ўқув юртларида давом эттиришади.

Ким қаерда ўқимасин, унинг олдидаги бирламчи вазифа — илм олиш, комил инсон бўлиб етишиш, эрта бир кун юрт ишига камарбаста бўлишдир. Зеро Ватаннинг камоли сизнинг нечоғли маърифатли бўлишингизга боғлиқ, азиз ёшлар!

Мактабгача тарбия муассасаларида

"ОРОМ"НИНГ ЯНА БИР ҚУВОНЧИ

Тошкентдаги "Ором" болалар боғчаси ўзининг хореографик-вокаль дастаси билан республикага машҳур. Ташаббускор боғча жамоаси яна бир қутлуғ ишга қўл урди. Бу ерда пойтахтимизда биринчи бўлиб боғча-мактаб очилди. Янги бино қурилиб, 21 нафар иқтидорли бола боғча бағридаги мактабга ўқишга жалб этилди.

Боғча-мактаб бошланғич таълимга асосланган бўлиб, унда қўшимча равишда эстетика, этика, хориж тиллари ва бошқа фанларни ўтиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун илм даргоҳида барча шарт-шароит муҳайё этилган. Дарслар ёруғ, шинам синфхоналарда ўтилади. Болалар бўш пайтларида кутубхонада бадиий асарлар ўқиши мумкин. Уларга малакали ва билимли педагоглар дарс берадилар.

Яқинда боғча-мактабнинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шу куни боғча ҳовлиси гавжум бўлди. Карнай-сурнай садолари янгради.

Йиғилишни Акмал Икромов тумани ҳокими О. Алихўжаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти И. Турсунов, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев йиғилганларни янги илм масканибилан қутлаб, боғча-мактабнинг таълим тизимидаги аҳамияти ва унинг истиқболи хусусида сўзладилар.

Меҳмонлар мактаб хоналарини кўздан кечиришгач, синфларда илк сабоқлар бошланди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.



Суратларда: тантаналардан лавҳалар.

З. СОКОЛОВ олган суратлар.

Қутлаймиз

ИЛМ ФИДОЙИСИ

Ҳаёт камтарин ва фидойи, оғир-босиқ, чеҳрасидан табассум аримайдиган, илмга ташна инсонлар билан гўзал. Шундай хислатлар мужассам инсонлардан бири Низомий номидаги Т шкент давлат педагогика институти умумий педагогика кафедраси мудири, профессор Комилжон Ҳошимовдир.

Қозоғистон республикасининг Чимкент вилояти, Чимкент туманининг Тоссой қишлоғида туғилган Комилжон Ҳошимов 1948 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, мактабда бошланғич синф ўқитувчиси лавозимида иш фаолиятини бошлади.

Ёшгина Комилжон халқ орасида илмни, одамийлик хислатларини эгаллашни тарғиб ва ташвиқ қилиш билан зиёкор сифатида танилди, мактаб ва қишлоқ жамоаси олқишига сазовор бўлди. Бу унинг муаллимликка, зиёкорликка бўлган қизиқишининг дебочаси эди. Кўп ўтмай, 1950 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика факультетига ўқишга кирди. Бу ерда катта мақсадлар сари интилиб, қунт билан ўқиди. 1954 йили институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, шу институтнинг педагогика кафедрасида ассистент бўлиб ишлай бошлади. У 1961—1964 йилларда аспирант сифатида таҳсил кўрди. 1964—1965 йилларда бошланғич таълим методикаси факультетида декан, 1984—1986 йилларда институт қошидаги мактаб раҳбарлари малакасини ошириш институти декани, 1986—1992 йилларда халқ маорифини илмий асосда бошқариш кафедраси мудири вазифаларида ишлади. 1992 йилдан буён эса умумий педагогика кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Фан дунёсида олим, мураббий ва раҳбар тушунчаси камроқ ишлатилади. Чунки яхши олимдан тадбиркор раҳбар чиқиши ёки раҳбардан етук олим камол топиши камдан-кам топилади. Ҳар бир соҳани бир маромда олиб бориш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун доимо ўқиш, изланиш, ташкилотчилик кўрсатиш, кўпчилик билан муомала қила билиш керак. Комилжон Ҳошимов тимсолида ана шу фазилатлар тўла мужассамланган.

Комилжон ака 100 дан зиёд илмий, илмий-методик ишлар, жумладан, 33 монография, 2 дарслик, 6 қўлланма, 6 методик тавсия, 10 дан ортиқ дастур, 4 рисола ва кўплаб мақолалар муаллифидир. Унинг энг йирик китобларидан бири "Куни узайтирилган мактаб ва мактаб-интернатлар ишининг педагогик асослари" Ўзбекистонда ягона ва муҳим қўлланма сифатида ҳозиргача муваффақиятли қўлланиб келмоқда.

Ўз касбини сидқидилдан севиб-ардоқлаган, шогирдларини фарзандлари қаторида кўриб, бошини силай олган, илм-фан фидойиси Комилжон Ҳошимов бугун умрининг қутлуғ 60-довонида турибди. У кишига яна кўплаб шундай довонларни забт этишини, бўлғуси ўқитувчиларга ҳамиша бош-қош бўлиб юришини тилаб қоламиз.

А. МУНАВВАРОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.
М. ҲАЙДАРОВ,
Б. ТУРДИЕВ,
Низомий номидаги педагогика институти доцентлари.

БУРЧ

Ростгўйлик, поклик, оқкўнгиллилик, хушфеъллик... Яна қанча бурчлари бор одамнинг. Кимки ўз бурчини сидқидилдан бажарар экан, у улуғ қалб эгасидир. Умрининг маълум йўлларини босиб ўтиб, таваллуд топган кунида қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани ҳақида ўйлаётганлар ёнида турн мен бурч ҳақида хаёл сураман. Яхшиликнинг маъносини туймоқчи бўламан.

Кўзларидан қувонч, сўзларидан шоду хуррамлик ошкор бўлиб турган Машҳура Туропова билан сўзлашар экамман, унинг атрофида парвона бўлаётган икки келини ва бир куёвининг бахтиёрлиги унинг бахтиёрлигидан нишона эканлигини ҳис қиламан. Оила қадди-камолидандир аёлнинг гўзал жамоли! У ҳаётда ўз ўрни, ўз йўлини аниқ белгилаб, одамларга керакли вазифа билан машғуллигидан мамнун. Чунки одам меҳнатини ёйса, меҳнати унинг шуҳратини ёяди. Қолаверса, фақат меҳнат қила билиш кам, унинг роҳатини кўра билиш ҳам керак. Ахир осонми, аёл киши учун маълум вазифани уддалаб, бурчига содиқлик билан меҳнат қилиш, вафодор ёр, саранжом-саришта уй бекаси бўлиш, фарзандларини ўқимишли, ҳар томонлама баркамол қилиб ўстириш.

Машҳура Туропованинг катта ўғли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида, кичиги Миробод тумани ҳокимиятида ишлайди, қизи педагог-тарбиячи. Турмуш ўртоғи ҳам педагог. Химия фанлари номзоди, илмий-текшириш институтида ишлайди. Ўзи эса меҳнат фаолиятини "Ўқитувчилар газетаси"дан бошлади. Қатор мақолалари, публицистик чиқишлари Халқ таълими вазирлигидагиларни бефарқ қолдирмади. Кўп ўтмай, уни шу ерга ишга таклиф қилишди. У методик материаллар, тавсиялар ва дастурлар яратиб, мактабларга тарқатиш ишида фаолият кўрсата бошлади.

Машҳурахон мактаб кутубхоналарида тарбия ишларини ташкил этиш, куни узайтирилган группаларда тарбия ишлари ва уларни тарғиб қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш каби ишлар билан ҳамиша елиб-югурди. Унинг Ўзбекистон телевиденеси ва радиоси орқали чиқишлари, "Гулхан" журнали редколлегиясидаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Ҳамкасбимиз Тошкентдаги 40-мактабда тўгарак машғулотларини ҳам олиб борди.

Мустақиллик шарофати билан миллий қадрият, анъаналаримиз қайта тикланиб, мактаблар ўзбекона таълим-тарбия асосида ишлаётгани муносабати билан кўпгина методик материаллар тайёрлаш ҳам Машҳуранинг зиммасига юклатилди. Эндиликда 5 та дастур, 15 методик тавсия ва 5—6—8-синф учун дарсликлар яратилганлиги, "Наврўз" байрами, "Одобнома", ватан туйғусини шакллантириш масалаларига бағишланган материаллар М. Туропованинг жиддий меҳнатлари самарасидир.

Киши руҳининг муҳандислари бўлмиш ўқитувчилар ўзгаларни ўқитиш учун икки баробар ўқишлари керак бўлганидек, Машҳура Туропова ҳам ўзгаларга нимадир бераман, деб ҳамон изланишда, интилишда.

Умида АБДУАЗИМОВА.

СИРТДАН ЎҚИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ...

Тошкент давлат дорилфунунининг механика-математика факультети қошида 20 йилдан кўпроқ вақт давомида сиртқи математика мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактабнинг асосий мақсади математикага қизиққан, уни чуқурроқ ўрганмоқчи бўлган қобилиятли ўқувчиларга ёрдам бериш, уларни олий ўқув юртларига киришга тайёрлашдир. Мактабда ўқиш уч йил, яъни 9, 10, 11-синфларда олиб борилади. Ҳар йили ўқувчиларга бир нечтадан топшириқлар юборилади. Топшириклардаги мисол-масалалар ўқув дастури асосида тузилган. Бундан ташқари, ўқувчиларга топшириқларни ечишда ёрдам бериш мақсадида ўз вақтида услубий кўрсатмалар юборилади. Ўқувчилар томонидан юборилган топшириқ жавоблари текширилиб баҳоланади ва хато-камчиликлар кўрсатилиб, ўқувчиларга қайтарилади. Баҳолар алоҳида дафтарда қайд қилиб борилади. Учинчи йил охирида мактабни битирганлик ҳақида якуний баҳоси кўрсатилган гувоҳнома берилади.

Ҳозирги кунгача мактабда бир неча минг ўқувчи таълим олган. Битирувчилар орасида Санкт-Петербург, Тошкент давлат университетларига ва республикамизнинг бошқа олий ўқув юрти ва техникумларига ўқишга кирганлар кўпчиликни ташкил этади.

Азиз ўқитувчилар! Сиз ўқитаётган 9-синфда математикага қизиқувчи, уни чуқур ўрганмоқчи бўлган ўқувчилар бўлса, уларга сиртқи математика мактабига ўқишга киришни тавсия қилинг. Мактабга кириш учун қуйидаги адресга ариза ёзиб юбориш керак:

700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ, механика-метематика факультети. Сиртқи математика мактаби бўлими.

Аризада 8-синфдаги математика (алгебра, геометрия) фани бўйича йиллик баҳо ҳам бўлиши керак. Ўқувчилар ўз адресларини тўла ва аниқ ёзиб юборсинлар. Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.Ўқишга қабул қилинганларга топшириқлар декабрь ойида юборилади.

О.ШАРИПОВ,
сиртқи математика мактаби мудири.

Назм дафтаридан

Жонибек СУБҲОН

ИШҚ ГУЛШАНИДА

Гулшанида севгининг, айт, қайси ёр
Кўрди мендек камтарину хокисор.

Айтинг, ошиқлар, бу ишқда мен каби,
Ўзлигин ким айлади озурда, хор?

Ў замонда битта Мажнун ўтди, мен —
Бу замон Мажнуни деб айтганча бор.

Ёридан кўрмай мурувват заррача
Мен сифат ким айлаган жонин нисор?

Тушмасин дейман бирон ғайри нигоҳ —
Ғайри боллардан тўсиб бўлдим хисор.

Бор ғубору ғамни қувгай Жонибек,
Бир келиб илкимни тутса ғамгузор.

ҲАЙРОНЛИҒ ФАҚАТ

Бўлди касбим сенга ҳайронлиғ фақат,
Касби дилнинг бўлди вайронлиғ фақат.

Сенга сайёдликни берди бу ҳаёт,
Менга — кўкси ўқли жайронлиғ фақат.

Сенга собирлик-да ишқ майдонида,
Менга дайдиш — тири парронлиғ фақат.

Сенга қушлик қисматин бермиш худо,
Кўзларим мардумига — донлиғ фақат.

Ё буюрган сенга қурбонлиғ учун
Ихтиёрингда бўлиш жонлиғ фақат...

Бизни ишқ ё қарғади — бўлди ато
Менга — гунглиг, сенга — бийронлиг фақат.

Жонибекка бўлди тақдир тамғаси —
Ёғида афсусни бирёнлиғ фақат.

ГУМРОҲ БИЛУР

Бу руҳим сийнамни оташгоҳ билур,
Ғамгузор ўмримни сўнгсиз оҳ билур.

Мен саҳарларда санамни ёд этиб,
Куйласам, нечун мени маддоҳ билур.

Ҳар мусулмон Каъба сори тутса юз,
Ишқда мажнунликни кўнгил роҳ билур.

Мен дедим ишқни тариқат, лек ҳаёт
Кўҳна очунга буни ислоҳ билур.

Аҳли ушшоққа дилим — ишққададир,
Кимки ишққа ёт, уни бир чоҳ билур.

Мен биларман ишқда ҳолим, кимлигим,
Фарқи йўқ, ким хоҳи билмас, хоҳ билур.

Ошиқ ишқ тахтида ўзни шоҳ билур,
Жонибекни балки бир гумроҳ билур...

НУРХОНА

Маҳмуджон ака раҳбарлик қилаётган Самарқанд олий тижорат коллежига борсангиз, у киши сизни дастлаб ўқув юртининг кутубхонасига етаклаган бўларди. Ваҳоланки, бу ерда мақтанса арзигулик бошқа жойлар кўп. Лекин китобни ҳаёт йўлбошчиси деб билган устоз - муаллим бу маърифат даргоҳига алоҳида эътибор билан қарайди.

1988 йилда ўқув юртига раҳбар бўлиб келган Маҳмуд аканинг дастлабки иши кутубхонани тартибга солишдан бошланди. Негаки, у пайтда ўқув юртининг кутубхонаси зах ертўлада жойлашган, китоблар қаровсиз қолган эди. Маҳмуд аканинг саъй-ҳаракати билан зах тортган китоблар ҳақиқий маънода ёруғликка юз тутди. Иккинчи қаватдаги ёруғ ва кенг хоналардан жой ажратиб берилди, зарур ускуна, жиҳозлар билан таъминланди. Бугунги кунда 85 минг нусхадан ортиқ китоб бойлиги мавжуд ушбу кутубхонанинг мудираси Санобар Рустамова билим юрти раҳбарининг бундай эътиборидан жуда мамнун.

Техникум сифатида фаолият кўрсатиб келган бу даргоҳ 1991 йилда Самарқанд олий тижорат коллежига айлантирилди. Бу ерда савдо, умумовқатланиш шохобчалари ходимлари, бухгалтер-молиячилар ҳамда бозорда хизмат ва тижорат фаолиятини ўрганиш бўйича мутахассислар тайёрланади.

— Биз иложи борича бўлажак касбига лаёқати бор ёшларни қабул қилишга эътиборни қаратдик, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маориф ходими Маҳмуджон Ҳамроев. — Негаки, улар ўқиш давомида қобилиятларини янада мустаҳкамлаштиришда қийналишмайди. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер билан шуғулланиш учун алоҳида хоналаримиз талабалар хизматида. Абдуллажон Қудратов, Хосиятхон Баталова, Моҳира Ғаниева, Абдуманнап Абдуллаев ва бошқа кўплаб ўқитувчилар талабаларнинг билимли бўлиши учун ўз меҳнат ва малакаларини аяшмаяпти.

Шуҳрат ИБРОҲИМОВ.

СУРАТЛАРДА: коллеж кутубхонасидан лавҳалар.
Жўра БОБОРАҲМАТ олган суратлар.

Спорт

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН АРЕНАЛАРИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тасарруфидаги умумий таълим мактаблари ёш авлодга ҳар томонлама билим бериш билан бирга ўз ўқувчиларининг соғлом, бақувват ва баркамол бўлиб ўсишига ҳам катта эътибор бермоқда. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича истеъдодли болаларни болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига юбориб, уларнинг жисмоний қобилиятларини ўстириш билан бирга жисмоний ривожланишига ҳам ёрдам бермоқда. Шу тизимда тарбияланаётган ёш спортчиларимизнинг кўпчилиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида, хорижий давлатларда ўтказилаётган спорт мусобақаларига қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда.

18-20 сентябрда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида иккита енгил атлетикачимиз — Рустам Ҳуснитдинов уч ҳатлаб сакраш бўйича 15 метр 58 сантиметр натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни, Сергей Воинов найза улоқтириш бўйича 71 метр 86 сантиметр натижа кўрсатиб, учинчи ўринни эгаллади.

2-16 октябрда Японияниг Хиросима шаҳрида Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Мазкур мусобақаларга республикамизнинг бошқа спортчилари қатори Республика ўсмирлар спорт маҳорати олий мактаби (РЎСМОМ) спортчиларидан қуйидаги 8 киши: енгил атлетика бўйича Константин Сарнацкий, Анвар Кўчмуродов; пистолетдан отиш бўйича Шухрат Аҳмедов, Энвер Османов; милтиқдан отиш бўйича Сергей Иваненко; бокс бўйича Уйғун Сиддиков, Фарҳод Бакиров; эркин кураш бўйича Рамил Исмоилов; "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамиятидан қуйидаги 10 киши: дзюдо бўйича А. Мухторов (Қарши), Р. Эргашев (Наманган шаҳри), Н. Киямова (Тошкент); енгил атлетика бўйича В. Зайцев (Тошкент); оғир атлетика бўйича Н. Сулаймонов (Фарғона), Д. Фролов (Тошкент), И. Халилов (Андижон); бокс бўйича М. Абдуллаев (Андижон), Т. Иброҳимов (Тошкент вилояти); грек-рим кураши бўйича Н. Кенжаев (Қарши) иштирок этмоқда.Биз уларга Ватанимиз шон-шуҳратини кўтаришда омад тилаймиз.

Ўз мухбиримиз.

Одобнома

Ғуломиддин АКБАРЗОДА

ТАЪЛИМИ СОНИЙ

Маърифатпарвар аллома Ғуломиддин Акбарзоданинг "Таълими соний" рисоласи комил инсонни вояга етказиш ва уни тарбиялашга бағишланган. Ундаги ибратли ҳикоятлар орқали болалар одоб-ахлоққа ўргатилади. Рисола мактаб ўқувчиларига одобнома дарсларида қўл келиши шубҳасиздир.

"Таълими соний" Тошкент шаҳридаги Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида 1913 йил босилган нусха асосида ноширлар Тешавой Зияев ва Раъно Маннонова томонидан нашрга тайёрланиб, Абдулла Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриётида чоп этилган. Унинг нисбатан кам нусхада эълон қилинганлиги ва бугунги кунда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, ундаги 13 тимсолни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

БИРИНЧИ ТИМСОЛ

АРИ ВА АСАЛАРИСИ

Бир ари асаларига: "мани ўзинг ила ҳамроҳ қилиб олсанг, ман ҳам сандек, балки сандин ҳам йахшироқ асаллар қилиб берар эдим", деди. Асалари унинг сўзига ишониб, ўзи ила ҳамроҳ қилиб олди. Асалари неча вақтлар қаради, ул ари асло асал қилолмади. Асалари аччиғланиб, ул арини бошига найзаси ила бир урдики, ул ари бечорага ўлишдан бўлак илож қолмади. Ул ари бечора ўзи ўзига: "ман бул азобга нечук йўлуқмайки, ўзум қора мой қилмакка ҳам кучум етмас, асални қандоғ қилурман", демиш.

Маъноси: ҳар хил одамлар бордирки, ҳеч бир нарсани билмаслар, ҳолбуки билурман деб, кўб озорлар тортурлар.

Илмсизлигдан етар ҳар қимга
кўб озорлар,
Билмаганин билмайин тортар у
кўб озорлар.
Қўй бу нодонлигин, ўғлум,
еткурар озорлар,
Илмсиз қолма, санга кўб
еткурар озорлар.

ИККИНЧИ ТИМСОЛ

ШАМОЛ ИЛА КУН ВА ЎТУНЧИ

Бир кун ўтунчи саҳрода ўтун териб йуруб эди. Шамол ила кун иккавлари шул ўтунчининг устидаги тўнини қайсимиз ештуролурмиз, деб шарт қилдилар. Шамол: "ман ештуроламан", деб ул ўтунчига зўрлиг қила бошлади. Ул ўтунчи шамол ҳар қанча қаттиғ теккан сари этак, йақоларини ўраб, маҳкам қилиб, тўнни шамолга бермади. Шамол ул ўтунчининг тўнини ештуролмай чарчади. Кун қийомга келган вақтида бир исиб бердики, ул одам иссиққа чидолмай, терлаб-пишиб, тўни оғирлиғ қилиб, тўнини ешди. Маъноси: ақллиг, тавозиълиг ва йахши феъллиг киши қилмакчи бўлган ишини йумшоқлик ва беозорлик ила қилур.

Байт:

Ақл тавозиъ ила бўлсун ишинг,

Илму адаб билмакка қўйгил
ҳушинг.

Илм ила ортар санга кўб фойда,
Илмлиг кимсага шул қоида.

УЧИНЧИ ТИМСОЛ

ДАРЙО САЙОҲАТИНИ ЛОФИ

Бир мажлисда бир одам: ман ер йузидаги дарйоларнинг ҳаммасини сайоҳат қилдим, ман кўрмаган дарйолар қолмади, ҳа ман кўрмаган балиғлар қолмади, деб лоф урди. Мажлис аҳлларидан бири: "дарйоларнинг балиғлари қандоғ бўлар экан", деб сўради. Ул сайоҳатчи: "эй, бечора, ҳануз балиғнинг кўрганинг йўқми? Балиғ туйага ўхшаб, икки шохлик бўлур", деб жавоб берди. Мажлис аҳллари ҳаммалари кулушуб: "эй, бечора, ўзинг на сувда балиғ кўрубсан ва на қуруғда туйа кўрубсан", дедилар.

Маъноси: ҳар ким кўрмаган, билмаган нарсасини кўрдим, билдим деса, охири ҳижолатки ботур.

Эй ўғуллар, кимки аҳмақ бўлса,
кўб ғавғо этар,
Ҳеч билмай, балки кўрмай,
билганин даъво этар.
Охири тортар ҳижолат халқ аро
маҳжур ўлуб,
Сўзига ҳеч ким ишонмай ўзини
расво этар.

ТЎРТИНЧИ ТИМСОЛ

ЙЎЛБАРС, ТУЛКИ ВА БЎРИ

Бир кун йўлбарс, тулки ва бир бўри, учовлари овга чиқтилар. Бир тоғ эчкиси, бир кийик ва бир қўйун (қўй) овладилар. Йўлбарс бўрига қараб: "буларни ўртамизга тақсим эт", деди. Бўри: "тоғ эчкиси сиз ўлуғимизники бўлсун, кийик ман қулингизники бўлсун, қўйун тулкиники бўлсун" деди. Йўлбарс бўрининг бўл тақсимига рози бўлмай аччиғи келиб, бўрининг бошига бир урдики, боши йорилиб, қон оқа бошлади. Йўлбарс тулкига: "сен тақсим қил", деди. Тулки сакраб ўрнидан туруб, таъзимлар қилиб: "тоғ эчкиси сиз подшоҳимизнинг эрталабки нонуштангиз бўлсун, кийик кечқурунги таомингиз бўлсун, қўйун кундузги хўрагингиз бўлсун", деди. Йўлбарсга ниҳоятда хуш келиб: "эй, тулки, бул тақсимни сенга ким ўргатти", деди. Тулки "бул тақсимни манга бўрининг бошини йорилгани ўргатти", деб жавоб берди.

Маъноси: улуғ кишиларнинг табийотларига лойиқ иш қилмак йо узоқда бўлмак керакдур.

Байт:

Улуғлар хизматидан баҳра
топмак истасанг ўғлон,
Аларнинг сўзларига сол
қулоғинг, бўлмагил ҳайрон.

Давоми бор.

Инсон зоти борки, ўзимдан зурриёт қолдирсам, болам ҳамма ҳавас қиладиган оқил-зукко бўлиб вояга етса, дейди, фарзандининг одобли, пок-ҳалол бўлишини, яхши фазилатлар билан эл-юрт назарига тушишини орзу қилади. Шу мақсадда унинг тарбиясига бор-будини, керак бўлса, жонини бахшида этади. Аммо, минг афсуски, ҳамма фарзандлар ҳам ота-онасининг қадрига етавермайдилар. Ундайлар охир-оқибат тўғри йўлдан адашиб, ҳаётда ўз ўринларини тополмайдилар.

Сергей билан Жасур ҳам ана шундай ноқобил ўсмирлар жумласидандирлар. Улар ўзларини не-не қийинчиликлар, катта орзу-умидлар билан ўстирган ота-оналарининг мақсадларини чиппакка чиқардилар, эл-юрт олдида юзларини ерга қаратдилар.

Улар бир синфда сабоқ олишарди. Такасалтангликлари, дангасаликлари боис яхши ўқишмасди. Уйларидан "Мактабга боряпман", дея чиқиб кетиб, кўча айланишар, "видик" томоша қилишарди. Тарбияларининг бузилиб кетишига ҳам айнан шу нарса таъсир қилган бўлса, ажаб эмас.

Бир куни икковлон ковбойлар ҳақидаги фильмни кўришди. Уйга қайтаётиб Жасур Сергейга "Бир иш қиламизми?" деб қолди. Сергей хамрохининг мақсадини тушунди: "Майли, ҳаракат қилиб кўрамиз, ё устидан, ё остидан..."

Улар соат тунги 1 да метронинг "Космонавтлар" бекатида учрашишди. Кўчада ҳеч ким йўқ.

Ўсмир ва қонун

ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАГАНЛАР

Шундан фойдаланиб дадил ишга киришишди. Аввалига шу кўчада жойлашган "Марказ-Д" фирмасининг кондиционерини ечиб олишди. Кейин эса етти турдаги техника воситаларини гумдон қилишди. Ўғирланган нарсалар орасида рангли телевизор, компьютер, овоз кучайтиргич ва бошқа қимматбаҳо моллар бор эди. Бироқ бирдан бойиб кетамиз, деб чучварани хом санашган экан. Жиноий қидирув бўлими ходимлари уларни бир пасда топиб олишди.

Бу ёшларда текин бойлик орттириш истаги устун чиқди. Аслида ёш эмасдилар, ўйлаб иш қилишса бўларди. Энди эса кеч, қилмишлари азобини фақат ўзларигина эмас, ота-оналари ҳам бараварига тортишмоқда.

Иккинчи воқеа қаҳрамонлари ҳам ўсмирлар. Руҳиятшунос олимларнинг фикрига қараганда, бу ёш энг "нозик", "энг "хавфли" даврлардан бири экан. Агар одам шу ёшдан "тинч-омон" ўтиб олса, у ёғи яхши бўлиб кетар экан. Акс ҳолда...

Маҳмуд эндигина ўн беш ёшдан ошган. Ўзига яраша куч-қуввати бор. Лекин у худо берган кучини бўлар-бўлмас нарсаларга сарфлади. Жумладан, пастки курсда ўқийдиган Тоҳир исмли йигитнинг 100 сўм пулини зўрлик билан тортиб олди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетади, деб ўйлади. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Энди у ҳам қилмиши учун жавоб беришга мажбур...

Ҳаётда лафзи ҳалол, мард кишилар кўп. Шу билан бир қаторда шахсий манфаати йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган кимсалар ҳам бор. Уларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари ўсмир-ёшларга салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шуларни ўйлаб баъзида ачиниб кетасан: "Ўзингиз-ку бўларингиз бўлди, ўсмирларда нима айб?!".

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот гуруҳи нозири, милиция катта лейтенанти.

ҚУТЛУҒ ОСТОНА

ШАХМАТ-ШАШКА БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР

Чирчиқ шаҳрида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг шахмат-шашка бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди.

Ўғил болалар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган беллашувда Тошкент шаҳридаги 15-БЎСМ биринчи, Самарқанд шаҳридаги шахмат-шашка мактаби иккинчи, Гулистон шаҳридаги 1-БЎСМ учинчи ўринни эгаллади.

Қизлар ўртасидаги шахмат мусобақасида эса Самарқанд шаҳар шахмат-шашка мактаби ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олди. Чирчиқ шаҳридаги 3-БЎСМ ва Тахиатош шаҳри командалари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди.

Ўғил болалар ўртасида шашка бўйича ўтказилган беллашувда Самарқанд шаҳар шахмат-шашка мактаби биринчи, Чирчиқ шаҳридаги 3-БЎСМ иккинчи, Фарғона шаҳар БЎСМ учинчи ўринни эгаллади.

Қизлар орасида шашка бўйича бўлиб ўтган мусобақада Самарқанд шаҳар шахмат-шашка мактаби биринчи, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 3-БЎСМ иккинчи, Сурхондарё вилояти Музработ туман БЎСМ учинчи ўринни олди.

Дилбар ХЎЖАЕВА.
Ҳ.Солиҳов олган суратлар.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси халқ таълимини бошқариш ва мактабшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси Муҳаббат Аслоновага отаси

Жўрабек РУСТАМОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий - тадқиқот институти маъмурияти ва жамоа ташкилоти, институтнинг илмий ходими, педагогика фанлари номзоди Жумабой Раҳимовга отаси

Раҳимбой КАРИМОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Меҳнат резервлари" К. С. Ж. Марказий кенгаши раис муовини З. П. Корнякка онаси

Анна ЛОБКОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Замира Тўлаганова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. А 2 3 4 5 6